

o'zlashtirishi; - yangi innovatsion g'oyalar, ichki imkoniyatlarni qidirib topib, uni amaliyotga tatbiq etishi; - dunyo yangiliklari, madaniyat va san'at durdonalaridan xabardorlik, dunyoqarashning kengligi; - insonparvarlik, odamiylik, shaxsni hurmat qilish kabi fazilatlarga ega bo'lishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak. – Toshkent: O'zbekiston, 2017.- 46 b.
2. Eshmamatov I. Zamonaviy pedagogning axborot-kommunikativ kompetentligiga bo'lgan talablar va uni shakllantirish masalalari. Xalq ta'limi. 2018 yil, 1-son.
3. Rahmatullayev A., Umarov B., Bobomuratov E. Uzluksiz ta'lim tizimida innovatsion texnologiya. 2020 y.
4. Muslimov N., Usmonboyeva M., Sayfurov D., To'rayev A. Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari. Toshkent; 2015 y.
5. Muslimov N. Kasb ta'limi o'qituvchilarining kasbiy kompetentligini shakllantirish texnologiyasi. —T.: «Fan va texnologiya», 2013 y.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Нарзикулова Дилноза Хашимжоновна

**Ўзбекистон, Навоий педагогика институти профессори, педагогика
фанлари доктори**

Аннотация: Олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот фаолият орқали янги технологиялар асосида тадқиқотларни яратилиши, тадқиқотчилар учун консалтинг хизматлари маркази, технологик стартаплар, патентлар яратилиши ҳақида илмий мулоҳаза юритилган.

Калит сўзлар: Илмий тадқиқот, техника, технология, концепция, индикатор, узлуksиз таълим, рақобатбардош, маркетинг, халқаро рейтинг агентликлари, технологик стартаплар, патентлар.

ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ВУЗАХ

Аннотация: Обсуждались исследования по созданию исследований на основе новых технологий посредством научно-исследовательской деятельности в высших учебных заведениях, созданию консультационного сервисного центра для исследователей, технологических стартапов, патентов.

Ключевые слова: Научные исследования, методика, технология, концепция, показатель, непрерывное образование, конкурентоспособность, маркетинг, международные рейтинговые агентства, технологические стартапы, патенты

PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF SCIENTIFIC RESEARCH ACTIVITY IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Annotation: Research on the creation of research on the basis of new technologies through scientific research activities in higher education institutions, the creation of a consulting service center for researchers, technological start-ups, and patents was discussed.

Keywords: Scientific research, technique, technology, concept, indicator, continuous education, competitive, marketing, international rating agencies, technological startups, patents.

Мамлакат тараққиётини малакали мутахассислар белгилайди. Замон талабларига жавоб берадиган, илғор фан - техника, технология ютуқларини эгаллаб олган кадрларни етиштирмасдан жамиятни юксалтириб бўлмайди. 2020 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси асосида ташкил этилган узлуксиз таълим тизими, ҳар томонлама билимли, интеллектуал салоҳияти, маънавияти юксак, баркамол авлодни шакллантириш механизми мамлакатимизда кучли демократик давлат барпо этиш ва ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Маълумки, таълим соҳасидаги ислохотлар мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг узвий ва ҳал қилувчи йўналишларидан бири ҳисобланади.

Олий таълим муассасасининг халқаро рейтинг агентликлари нуфузли университетлари рўйхатига кириши ва юқори поғоналардан ўрин эгаллашининг аҳамияти нимада? Замонавий глобаллашув даврида жаҳон таълим бозорида рақобатбардош, юқори сифатли таълим хизматларини кўрсатиш маркетингнинг ўзига хос туридир. Ҳозир бошқа давлатларда таълим олишни режалаштирган талабгорларнинг 37 фоизи айнан халқаро рейтинг агентликларининг нуфузли университетлари рўйхатидан фойдаланиб, ўзи хоҳлаган давлатда, хоҳлаган йўналиш ва ихтисосликка нисбатан сифатли таълим берувчи олий таълим муассасасини танлаши қайд қилинади.

Айни пайтда дунёда 20 дан ортиқ етакчи рейтинг агентлиги фаолият юритади. Улар орасида World University Rankings THE, QS World University Ranking ва THE Academic Ranking of World Universities (ARWU) рейтинг агентликлари нисбатан юқори нуфузга эга. Олий таълим муассасаси фаолиятини рейтинг баҳолаш тизими, халқона айтганда, ОТМларни ишлаб чиқилган махсус услубият — индикаторлар элагидан саралаб ўтказишдан иборат. Албатта, бу жараёнда ҳар бир рейтинг агентлиги фойдаланувчи услубият умумий жиҳатлар билан бирга айрим хусусий, фарқланувчи ҳолатларга ҳам эга.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030

йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишлари натижадорлигини ошириш, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, илм-фаннинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш мақсадида ОТМларда таълим, фан, инновация ва илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш узвий боғлиқлигини назарда тутувчи “Университет 3.0” концепциясини босқичма-босқич жорий этиш назарда тутилган.

Университетлар тарихий ривожланиш йўлида бир нечта моделлар орқали ўтиб келмоқда. Энг биринчи навбатда, анъанавий ва мумтоз “Университет 1.0” модели мавжуд бўлиб, унда фақат таълим бериш устувор вазифа бўлган. Муаллим маъруза ўтади, талаба конспект ёзиб боради. “Университет 1.0”, яъни “биринчи авлод университети” фақат таълим бериш макони бўлиб, унинг мақсади билим етказиб беришдан иборат.

Кейинчалик шаклланган “Университет 2.0” (“иккинчи авлод университети”) модели таълим беришга қўшимча равишда илмий тадқиқот ҳам олиб боришга ихтисослашган даргоҳ саналади. XIX асрдан бошлаб ривожланган таълим муассасалари “тадқиқот университетлари” деб аталади. “Университет 2.0” илмий тадқиқот фаолияти орқали янги билимларни яратади; бозор иштирокчилари учун консальтинг хизматлари маркази бўлади; sanoat томонидан буюртмалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб боради, янги технологияларга асос солади.

“Учинчи авлод университети”, ёки “Университет 3.0”, эса фан-таълим билан бир қаторда инновация ва илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш фаолияти билан ҳам шуғулланади.

“Университет 3.0”да тадбиркорлик маданияти ривожланган бўлиб, ишбилармон доиралар вакиллари билан самарали мулоқот ўрнатилган бўлади. Бундай университетда технологик стартаплар яратилиб, патентлар мунтазам рўйхатдан ўтказилади. Калифорния штатидаги Кремний водийси бунга яққол мисол.

Тадқиқотларга кўра, дунё университетлари умумий сонининг атиги 0,3 фоизи “Университет 3.0” моделига мос, деб тан олинар экан.

Мамлакатимиз университетлари олдида 2030 йилга қадар илмий-тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш масаласи қўйилган. Бу ҳолда олийгоҳларимиз халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингларида юқори ўринларни эгаллаш имкони бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – T.: “O'zbekiston”, 2020 yil 29 dekabr.
2. O'zbekiston Respublikasining 2020 yil 23 sentyabrdagi “Ta’lim to’g’risida”gi O’RQ-637-sonli Qonuni.
3. Ijtimoiy axborot ta’lim portal: www.ziyounet.uz